КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 95 (5956).

17 МАЙ СЕШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

1977 ЙИЛДА ҲОСИЛ ЎРИМ-ЙИҒИМИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ҳосил ўрим-йиғимини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, юқори сифатли дағал ва ширали озуқа тайёрлашни ўз вақтида ўтказиш мақсадида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, Министрлар Советларига, министрликлар ва идораларга, ўлка, область ва район партия комитетларига, Автоном республикаларнинг Министрлар Советларига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советлари ижроия комитетларига, маҳаллий қишлоқ хўжалик органларига, колхоз ва совхозларнинг, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг раҳбарларига 1977 йилда ҳосил ўрим-йиғимига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек озуқа тайёрлашга ўз вақтида ҳозирлик кўрилишини таъминлашни топширди. Бунинг учун барча хўжаликларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва озуқа тайёрлаш бошланишидан икки ҳафтадан кечиктирмай, ўрим-йиғим техникаси тулатўкис тахт қилиб қўйилсин, комбайнлар каби машиналар икки сменада ишлаш учун тахт қилиб қўйилиши лозим эканлиги кўзда тутилсин, бу техниканинг ва транспорт воситаларининг ремонт сифатини текшириш, шунингдек колхозлар, совхозлар, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг ҳосил ўрим-йиғимини ўтказишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озуқа тайёрлаш ҳамда уларни ташиб олишга, тайёргарлигини текшириш таъминлансин; ўрим-йиғим агрегатлари юқори малакали механизаторлар билан мустаҳкамлансин, ишларни юқори сифатли қилиб бажарган ҳолда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ва ўрим-йиғим машиналарининг техникавий имкониятларидан энг кўп фойдаланиш учун қишлоқ хўжалик механизаторларининг социалистик мусобақаси кенг авж олдирилсин; юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштиришни таъминлаш ва бу маҳсулотларни йиғиштириб олиш ҳамда хирмонга, тайёрлаш пунктларига ва сақлаш жойларига ташиб олишда нобудгарчиликка йўл қўймаслик тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин; барча дон экинларининг тўла-тўкис сақланиши ва уларнинг дон учунгина йиғиштириб олиниши таъминлансин; кузги дон экинлари ва маккажўхорининг ҳосилини сақлашга алоҳида эътибор берилсин; мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олиб, 1977-1978 йилда чорва қишлови учун озуқа тайёрлаш планлари аниқлаб чиқилсин, тайёрланадиган пичан, сенаж, силос, ўт талқони, донадор ва брикетланган озуқанинг юқори сифатли бўлиши таъминлансин, хўжаликларда қўшимча равишда озуқа ресурсларини тўплаш ва улардан рационал фойдаланиш учун барча резервлардан тўла фойдаланилсин; дағал хашакларни тайёрлаш билан бир вақтда уларни моллар қишлайдиган жойларга етказиб бериш уюштирилсин, токи молларни бир жойда парвариш қилиш бошланган пайтгача дағал хашакларни чорвачилик фермаларига ташиб олиш асосан тугаллансин, озуқани ёғғин, талон-тарождан сақлаш учун зарур чоралар кўрилсин.

Ўрим-йиғим машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ҳамда уларнинг запас қисмларини, резина-техника буюмларини ускуналарни ва ёнилғи-мойлаш материалларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган министрликлар ҳамда идораларга уларни қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигига мўлжалланган ғамхўрлиги туфайли маккажўхори майдонлари кенгайиб ҳосилдорлиги ортмоқда. Агар 1970 йилда 4510 тонна дон ҳосили олинган бўлса, ўтган йили 81,7 минг тонна ҳосил етиштирилди. Бу йил областимиз бўйича кам деганда давлатга 105 минг тонна маккажўхори дони сотиш учун қизғин кураш бормоқда.

Семинар-кенгашда ана шу юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида, ҳар бир ишчи ва деҳқоннинг ташаббускорлигини ошириш, ҳосилдорликни ошириш ва ҳосилни йиғиштириб олишнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш, ҳар бир гектар ердан, ҳар бир центнер ҳосилдан кўпроқ маҳсулот олиш, ҳосилни йиғиштириб олишда ва ундан кейин ҳеч қандай йўқотишларга йўл қўймаслик, ҳосилни ўз вақтида ва сифатли равишда сақлаш, ҳосилни қайта ишлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, ҳосилни ўғирликдан ва ёнғиндан сақлаш, ҳосилни ўғирлаш ва ёнғин чиқаришга йўл қўйган ҳар қандай шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳосил ўрим-йиғимини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, озуқа тайёрлашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, Министрлар Советларининг қарорларини амалга ошириш мақсадида Тошкент область партия комитетлари, Автоном республикаларнинг Министрлар Советларига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советлари ижроия комитетларига, маҳаллий қишлоқ хўжалик органларига, колхоз ва совхозларнинг, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг раҳбарларига 1977 йилда ҳосил ўрим-йиғимига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек озуқа тайёрлашга ўз вақтида ҳозирлик кўрилишини таъминлашни топширди. Бунинг учун барча хўжаликларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва озуқа тайёрлаш бошланишидан икки ҳафтадан кечиктирмай, ўрим-йиғим техникаси тулатўкис тахт қилиб қўйилсин, комбайнлар каби машиналар икки сменада ишлаш учун тахт қилиб қўйилиши лозим эканлиги кўзда тутилсин, бу техниканинг ва транспорт воситаларининг ремонт сифатини текшириш, шунингдек колхозлар, совхозлар, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг ҳосил ўрим-йиғимини ўтказишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озуқа тайёрлаш ҳамда уларни ташиб олишга, тайёргарлигини текшириш таъминлансин; ўрим-йиғим агрегатлари юқори малакали механизаторлар билан мустаҳкамлансин, ишларни юқори сифатли қилиб бажарган ҳолда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ва ўрим-йиғим машиналарининг техникавий имкониятларидан энг кўп фойдаланиш учун қишлоқ хўжалик механизаторларининг социалистик мусобақаси кенг авж олдирилсин; юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштиришни таъминлаш ва бу маҳсулотларни йиғиштириб олиш ҳамда хирмонга, тайёрлаш пунктларига ва сақлаш жойларига ташиб олишда нобудгарчиликка йўл қўймаслик тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин; барча дон экинларининг тўла-тўкис сақланиши ва уларнинг дон учунгина йиғиштириб олиниши таъминлансин; кузги дон экинлари ва маккажўхорининг ҳосилини сақлашга алоҳида эътибор берилсин; мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олиб, 1977-1978 йилда чорва қишлови учун озуқа тайёрлаш планлари аниқлаб чиқилсин, тайёрланадиган пичан, сенаж, силос, ўт талқони, донадор ва брикетланган озуқанинг юқори сифатли бўлиши таъминлансин, хўжаликларда қўшимча равишда озуқа ресурсларини тўплаш ва улардан рационал фойдаланиш учун барча резервлардан тўла фойдаланилсин; дағал хашакларни тайёрлаш билан бир вақтда уларни моллар қишлайдиган жойларга етказиб бериш уюштирилсин, токи молларни бир жойда парвариш қилиш бошланган пайтгача дағал хашакларни чорвачилик фермаларига ташиб олиш асосан тугаллансин, озуқани ёғғин, талон-тарождан сақлаш учун зарур чоралар кўрилсин.

Ўрим-йиғим машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ҳамда уларнинг запас қисмларини, резина-техника буюмларини ускуналарни ва ёнилғи-мойлаш материалларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган министрликлар ҳамда идораларга уларни қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигига мўлжалланган ғамхўрлиги туфайли маккажўхори майдонлари кенгайиб ҳосилдорлиги ортмоқда. Агар 1970 йилда 4510 тонна дон ҳосили олинган бўлса, ўтган йили 81,7 минг тонна ҳосил етиштирилди. Бу йил областимиз бўйича кам деганда давлатга 105 минг тонна маккажўхори дони сотиш учун қизғин кураш бормоқда.

Семинар-кенгашда ана шу юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида, ҳар бир ишчи ва деҳқоннинг ташаббускорлигини ошириш, ҳосилдорликни ошириш ва ҳосилни йиғиштириб олишнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш, ҳар бир гектар ердан, ҳар бир центнер ҳосилдан кўпроқ маҳсулот олиш, ҳосилни йиғиштириб олишда ва ундан кейин ҳеч қандай йўқотишларга йўл қўймаслик, ҳосилни ўз вақтида ва сифатли равишда сақлаш, ҳосилни қайта ишлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, ҳосилни ўғирликдан ва ёнғиндан сақлаш, ҳосилни ўғирлаш ва ёнғин чиқаришга йўл қўйган ҳар қандай шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш масалалари муҳокама қилинди.

БЕКОБОД районидаги 4-«Далварзин» совхозининг ёш бўлсада моҳир пиллакори Санобар Халилова юбилей шарафига бу йил ҳар қути уруғдан 125 килограммдан «қумуш тола» етказиб бериш учун курашмоқда.

Шу райондаги «КПСС XXV съезди» совхозининг Қурбон Қосимов бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 110 центнердан маккажўхори дон ҳосили олишга аҳд қилишган. Меҳр билан парваришқилинаётган ниҳоллар барқ уриб ривожланмоқда.

Суратларда: (юқорида) пиллакор С. Халилова; (пастда) совхоз комсомол комитетининг секретари М. Рисаев, бригада бошлиғи Қ. Қосимов, Киров номли ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари З. Раҳмонова, М. Раҳмоновалар ниҳолларини кўздан кечирмоқдалар.

М. Қорабеков ва Т. Маҳкамов фотолари.



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 16 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида) Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан:

Бекобод	42,0	46,7
Калинин	23,3	27,5
Оққўрғон	8,0	11,4
Чиноз	6,3	6,4
Ўрта Чирчиқ	2,6	3,0
Оржоникидзе	1,7	1,7
Янгийўл	0,8	1,2
Оҳангарон	—	—
Бўстонлиқ	—	—
Бўка	—	—
Юқори Чирчиқ	—	—
Пискент	—	—
Тошкент	—	—
Область бўйича:	6,9	7,9

Изоҳ: 1976 йилда пилла тайёрлаш 20 майдан бошланган эди.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРНИ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТ ЎРНИГА 10-ВИСОКОВОЛЬТНИЙ САЙЛОВ ОКРУГИДА УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ўТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Тошкент шаҳар 10-**Высоковольтний** сайлов округида ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов 1977 йил 19 июнь якшанба кунига белгилансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил, 16 май, Тошкент шаҳри.

СКОПЛЕ МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ТОШКЕНТДА

Тошкент билан биродарлашган Югославиядаги Скопле шаҳри касаба союз делегацияси кеча республикамиз пойтахтига келди. Делегация составида шаҳар Советининг раиси Македония коммунистлар союзи Марказий Комитети аъзоси П. Бендевский (делегация раҳбари), В. Христовский ва О. Стояновскийлар бор.

Делегация аъзолари Тошкент ва пойтахт областининг диққатга сазовор жойлари, касаба союз ташкилотлари, маданий-оқартув муассасалари иши билан танишадилар, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашадилар.

ДЎСТЛИГИМИЗ ТАРОНАЛАРИ

Ўзбекистон диёрида яна бир санъат байрами — мамлакатимиз халқлари маданиятлари қардошлигининг байрами, Улуғ Октябрь 60 йиллигига бағишланган «Дўстлик тароналари» бошланди.

Алишер Навоий номли опера ва балет театрида 16 май куни «Дўстлик тароналари»нинг дастлабки оҳанглари янгради. Театр залига ишлаб чиқариш новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари келишди.

Ўзбекистон ССР Маданият министри Ғ. Н. Нажимов тўпланганларга табрик сўзи билан мурожаат қилди.

Украина ССР Маданият министри А. К. Романовский қардош республикалар ижодий коллективлари номидан байрамнинг муваффақиятига тилакдош эканлигини изҳор этиб, унинг барча қатнашчиларига салом топширди. Санъат усталари — СССР халқ артисти Бернора Қориева, Ленинград концерт оркестрининг бадиий раҳбари ва дирижери Анатолий Бадхен халқлар ва маданиятлар дўстлиги тўғрисида гапирдилар.

Тарона, дўстлик — байрамнинг номи ана шу икки сўз билан тавсифлаб айтилаётганлиги бежиз эмас. Буни тантаналарнинг барча иштирокчилари тасдиқламоқдалар. Совет халқларининг ленинча дўстлиги — ишчиларнинг меҳнати ва уруш оташларида синовдан ўтган дўстлик, бахтли соатларда янги шод-хуррамлик келтирувчи дўстлик... Совет халқларининг бу бузилмас бирлигини яхшироқ, тўғрироқ, илҳомбахшроқ таранним этишга бу қардошлик ўзаро ёрдамини, бу ягона оила буюк ҳистуйғусини тараннум этишга энг буюк музика ижоди тароналарини қолдирди!

«Дўстлик тароналари» совет мамлакатининг маънавий бойлиги муштарак хазинасига ўзининг ҳиссасини қўшаётган халқлар маданияти бирлигининг гимни бўлиб қолади. Қардош халқларнинг олижаноб анъаналари — бадиий ва маънавий бойликларни алмашлаб туриш анъанаси ҳар гал байрам тусини олади. Бундай кунларда қўшиқлар ва шеърларнинг янграшида, рақсларнинг жозибасида, қардош кўнгилларнинг саховати ҳам, санъат арбоблари фахрий бурчининг бежо келтирилиши ҳам — эришилган муваффақиятлар ҳақида халқ олдида бериладиган ижодий ҳисоб янада ёрқинроқ ҳис этилади. Қардош халқлар санъати намояндалари билан учрашувдан ғоят завқланган тингловчи ва томошабиннинг шу кунлардаги қувончи чексиздир.

Ҳозирги байрам программаси ғоят кенг ва рангбаранг. Унда Воронеж рус халқ хори, Молдавия давлат «Жок» халқ рақс ансамбли, халқаро конкурс лауреати — Калинин торли квартет, филармонияси, Тожикистон ашула ва рақс ансамбли иштирок этадилар. Украина Тошкентга ўзининг машҳур «Мрияне» ансамблини, Эстония «Лайне» ансамблини юборган. ССР Иттифоқи Большой театрининг солистлари, Ленинградлик артистлар, машҳур совет ижрочи созандалари «Дўстлик тароналари»га ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Программага биноан Ўзбекистон коллективлари — «Баҳор», «Ялла», «Хайтарма», «Шодлик», Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри, Тўхтасин Жалилов номли халқ чолғу ансамбли оркестри, хор капелласи ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

«Дўстлик тароналари» санъат байрамини очишга бағишланган кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Ёсалимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этдилар.

Дала шийпончаларида ва қурилиш майдончаларида, шаҳар ва қишлоқ маданият саройларининг концерт залларида давом этадиган байрамнинг очилиш куни катта концерт—кўшиқлар, шеърлар, рақслар билан якунланди.

(ЎзТАГ).

ҲАР ГЕКТАРИДАН КАМИДА 100 ЦЕНТНЕРДАН МАККАЖЎХОРИ ДОНИ ЕТИШТИРАМИЗ

ОБЛАСТЬ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИ СЕМИНАР-КЕНГАШИДАН

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозида область маккажўхорикорларининг семинар-кенгаши бўлиб утди. Кенгашга партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги органларининг раҳбар ходимлари, мутахассислар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспекторлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотининг секретарлари, маккажўхорикор бригадаларнинг бошлиқлари таклиф этилган эди.

Семинар-кенгашда Тошкент область ижроия комитетининг раиси П. Ю. Юсупов «Ҳар гектар ердан камида 100 центнердан дон ҳосили олиш учун маккажўхори парваришини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

— КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун актив кураш олиб бораётган областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари,— деди докладчи,— пахта етиштиришни кўпайтириш билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини комплекс ривожлантириш, айниқса, гўшт етиштиришни кўпайтириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу соҳада талайгина ютуқлар қўлга киритилди.

Докладчи ва музокарада ўзига чиққан нотиқлар чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш озуқа базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканлигини, кейинги йилларда бу борада бирмунча ибратли ишлар қилинганлигини қайд қилдилар.

Областимизда озуқа экинлари майдони 14 минг гектарга етди. Ҳозирги пайтда 6 минг гектар майдонда беда ўстиримоқда. Илғор хўжаликлар ҳар гектаридан 150—200 центнердан беда ҳосили олмоқдалар. Лекин гектаридан атиги 100 центнер атрофида беда ҳосили олаётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Колхоз ва совхозларда беданинг ҳосилдорлигини камида 200 центнерга етказиш зарур. Чорвани озуқа билан таъминлашда маккажўхори бебаҳо экин ҳисобланади. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли маккажўхори майдонлари кенгайиб ҳосилдорлиги ортмоқда. Агар 1970 йилда 4510 тонна дон ҳосили олинган бўлса, ўтган йили 81,7 минг тонна ҳосил етиштирилди. Бу йил областимиз бўйича кам деганда давлатга 105 минг тонна маккажўхори дони сотиш учун қизғин кураш бормоқда.

Семинар-кенгашда ана шу юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида, ҳар бир ишчи ва деҳқоннинг ташаббускорлигини ошириш, ҳосилдорликни ошириш ва ҳосилни йиғиштириб олишнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш, ҳар бир гектар ердан, ҳар бир центнер ҳосилдан кўпроқ маҳсулот олиш, ҳосилни йиғиштириб олишда ва ундан кейин ҳеч қандай йўқотишларга йўл қўймаслик, ҳосилни ўз вақтида ва сифатли равишда сақлаш, ҳосилни қайта ишлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, ҳосилни ўғирликдан ва ёнғиндан сақлаш, ҳосилни ўғирлаш ва ёнғин чиқаришга йўл қўйган ҳар қандай шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Маккажўхорининг ҳар гектаридан олинган ҳосил 62 центнерни ташкил этди.

Лекин, деб қайд қилишди семинар-кенгаш қатнашчилари, бизда имконият ва резервлар каттагина. Ҳисоблаб чиқиш шуни кўрсатадики, агар бир гектар ерда 50—55 минг туп кўчат ўстирилса ва ҳар тупда биттадан тўлиқ сўта сақлаб қолинса, гектаридан олинадиган ҳосил бемалол 100—110 центнерга етади.

Яқинда область партия комитети 10 та ғаллачилик бригадаси ташаббусини маъқуллади. Улар беш йиллик план топшириқларини уч ярим-тўрт йилда бажаришга аҳд қилганлар. Бу бригадаларнинг бошлиқлари дала ишларини илғор агротехника фани ютуқлари асосида ташкил этиб, гектаридан 110—120 центнердан дон ҳосили олиш учун мустаҳкам замин яратмоқдалар. Уларнинг изидошлари кўпайиб кетди. Областимиздаги мавжуд 226 та маккажўхорикорлик бригадасидан 96 бригада юз центнерчилар сафига қўшилди.

Семинар-кенгашда маккажўхорига ишлов бериш ва парвариш қилиш соҳасида қилинаётган яхши ишлар, ташаббуслар, илғор тажрибалар қайд қилинишн билан бирга камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Бекобод, Калинин, Тошкент, Чиноз районларидаги айрим колхоз ва совхозларда маккажўхорини суғориш ва озиқлантириш ишлари талаб даражасида эмас. Бўка, Юқори Чирчиқ, Пискент районларида эса дон учун маккажўхори экиш топшириқлари тўла бажарилмади.

Кенгашда маккажўхори парвариши юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишларни назорат қилиб туриш учун барча районларда, хўжаликларда область қишлоқ хўжалик мутахассисларидан иборат штабларни тезлик билан ташкил этиш лозимлиги уқтирилди. Бу штаблар маккажўхорикор бригадаларга юқори ҳосил етиштиришда яқиндан ёрдам бермоғи лозим. Ҳар ҳафтада бир марта маккажўхорикор бригадаларнинг раҳбарлари билан биргаликда белгиланган агротехник тадбирларнинг қай аҳволда бажарилаётганлигини кўриб чиқиш, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш чораларини амалга оширш керак. Етиштирилган ҳосилни тўла сақлаб қолишни таъминлаш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Доклад юзасидан бўлиб ўтган музокарада Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари М. Қодиров Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг директори Ж. Элчибоев, область комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Бобоев, Тошкент районидаги Ильич номли колхозининг бригада бошлиғи Т. Ахроров, Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Т. Шоғиёсова, Чиноз район ижроия комитетининг раиси У. Бузруков, Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз раиси Ў. Жўраев, Калинин районидаги Куйбишев номли колхозининг бригада бошлиғи Р. Ортиқов, Бўка районидаги Тимирязев номли колхозининг бригада бошлиғи Х. Қурбонов, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхозининг бригада бошлиғи А. Низомов, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозининг бригада бошлиғи Э. Чиниибоев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Семинар-кенгашда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов нутқ сўзлади.

Семинар-кенгаш ишида область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский, область партия комитетининг секретари А. И. Икромов, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов, область халқ контроли комитетининг раиси М. М. Муллаев ўртоқлар иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ИЮНЬ 19 ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Тошкент областида маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишида шу хўжалик меҳнаткашлари бир овоздан область ижроия комитетининг раиси П. Ю. Юсуповни Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Оржоникидзе районидаги ядро физикаси институтида кўп кишилик сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаевни бир овоздан Тошкент область Советига депутатликка ўз номзодлари қилиб кўрсатдилар.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати рух заводи коллективининг сайловолди йиғилишида Тошкент область партия комитетининг секретари Н. И. Малихин номзодини область Совети депутатлигига кўрсатдилар.

Бекободдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари заводида сайловчиларнинг юксак активлиги билан бўлиб ўтган сайловолди йиғилишида область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов, область халқ контроли комитетининг раиси М. М. Муллаев ўртоқлар иштирок этдилар.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати марказий ремонт-механика заводи контролери Т. Н. Никитина номзоди ҳам область Совети депутатлигига кўрсатилди.

«Средазуголь» комбинатига қарашли 9-шахта ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браиловни Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Катта аппаратчи Х. Т. Анорбоева Ангрендаги давлат район электростанцияси коллективида ўзининг фидокорона меҳнати ва жамоат ишларида фаол қатнашиши билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Энергетиклар ўзларининг бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларида Х. Т. Анорбоевани яна область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси К. Азимов ўз ҳамқишлоқларининг юксак ишончига сазовор бўлган. У ишлаб чиқариш ташкилотчиси, ишбилармон раҳбар сифатида катта тажриба орттирди, обрў-эътибор қозонди. Шунинг учун ҳам хўжалик меҳнаткашлари бир овоздан К. Азимовни область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати марказий ремонт-механика заводи контролери Т. Н. Никитина номзоди ҳам область Совети депутатлигига кўрсатилди.

1977 ЙИЛДА ҲОСИЛ ЎРИМ-ЙИҒИМИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юк автомобилларини ҳамда борт автоприцепларини машина ҳайдовчилар ҳамда ремонт воситалари билан биргаликда ҳосил ўрим-йиғимига жалб қилишга рухсат этилди. Қаерда белгиланган баъзи министрликлар ва идораларнинг автомобиллари бундан мустасно.

Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш олишда юк автомобилларининг кечаю-кундуз ишлашини ташкил этиш зарур деб топилди. Иттифоқдош ва Автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига ҳосил-ўрим йиғимида банд бўлган барча автомобилларни бир автомобилга икки ҳайдовчи ҳисобидан ҳайдовчилар билан мустаҳкамлашни таъминлаш, зарурат туғилган пайтда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги автомобиль ҳайдовчиларини жалб этиш топширилди.

Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, силос ва сенаж массасини ташиб олиш учун командировка қилинган автомобиль ҳайдовчилар, ремонт ишчилари, механиклар, автоколонналарнинг бошлиқлари ва автомобиль хўжаликларининг диспетчерлари, шунингдек колхозлар ва колхозлараро корхоналар ҳамда ташкилотларнинг автомобиль ҳайдовчиларига асосий иш жойида олиб келган ўртача иш ҳақининг 75 процентини тўланади, аммо тўланадиган ҳақ бутун командировка вақтида асосий иш жойидаги тариф ставкасидан кам бўлмайди. Бу маблағлар ана шу ходимларнинг асосий иш жойида тўланади, колхозлардан ва колхозлараро корхоналар ҳамда ташкилотлардан командировка қилинган машина ҳайдовчиларга эса ҳосил ўрим-йиғими вақтида ўзлари ишлаб турган ташкилотлар ва хўжаликларда тўланади. Шу муносабат билан командировка қилинган ходимларга суткалик ва квартира ҳақи тўланмайди.

1977 йилда етиштирилган дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш вақтида кўп юк ортиладиган автомобилларда ва прицепли автомобилларда (автопоездларда) ишловчи ҳайдовчилар учун тариф ставкасининг 25 процента миқдорида қўшимча мукофот белгиланди. Бу мукофот белгиланган иш вақти давомида смена топширғини бажариш шарти билан ҳар сменадаги иш натижаларига қараб берилади, комбайнларда йиғиштириб олинган дон ва ҳанд лавлагини ҳар икки сменада ташиб тайёрлов пунктларига етказиб берувчи (бир автомобилда икки ҳайдовчи) автомобилларнинг ҳайдовчиларига автомобилларнинг суткада камида 20 соат узлуксиз ишлашини таъминлаганлик учун тариф ставкасининг 20 процента миқдорида мукофот берилади, Сибирь, Урал, Қуйи ва Ўрта Волга районларида ҳамда Қозоғистон ССРнинг қўриқ районларида дон ташувчи машина ҳайдовчиларига эса тариф ставкасининг 40 процента миқдорида мукофот берилади. Мукофотлар суткалик иш натижаларига қараб ҳисобланади. Бунда суткалик топшириқлар бажарилган бўлиши ва автомобиль тузук ҳолда топширилиши шарт.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига зарурат туғилган тақдирда 1977 йилда ҳосил ўрим-йиғими даврида комбайнлардан дон ташувчи ва ғалла қабул қилинадиган пунктларга дон етказиб берувчи автомобилларда машина ҳайдовчиларининг автомобилни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ёрдамчиларини ишлатиш ҳақида совхозларга ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига рухсат этиш, шунингдек буни колхозларга тавсия қилиш ҳуқуқи берилди. Автомобиль ҳайдовчиларнинг ёрдамчиларига меҳнат ҳақи ҳайдовчи иш ҳақининг 80 процентини миқдорида белгилансин.

Совхозларнинг, ўрмон хўжалиги корхоналарининг директорларига трактор ва машиналардан фойдаланиш учун яроқсиз бўлган ерларда пичан ўриш ва тайёрлаш билан банд бўлган ходимларга пичаннинг 50 процентигача бўлган миқдорини (бепул) бериш ҳуқуқи берилди.

Рағбатлантиришнинг ана шу турларини колхозларда ҳам қўлланиш тавсия этилди.

Ҳосил ўрим-йиғимини қисқа муддатларда ва нобуд қилмай ўтказишда машинист-тракторчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига 1977 йилда совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида дон, дуккакли дон экинлари, дон ва силос учун экиладиган маккажўхори, кунгабоқар, ҳанд лавлаги, картошка, ўт ва ҳанд лавлаги уруғлиги ўрим-йиғимида машинист-тракторчиларга меҳнат учун оширилган ҳақ тўлашнинг мавжуд шартлари ўрнига ҳосил ўрим-йиғимининг мавсумий нормалари ҳамда бажарилганлигига қараб қуйидаги миқдорда ишбай асосида ҳақ тўлашни жорий этишга рухсат берилсин: Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозоғистоннинг кўриқ районлари, Урал ва Поволжьеда 25 процентдан, 40 процентгача бажарилган тақдирда 25 процент, бошқа районларда эса 15 процент миқдорида, норма 40 процентдан 60 процентгача бажарилган тақдирда Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозоғистоннинг кўриқ районлари, Урал ва Поволжьеда 50 процент, бошқа районларда эса 30 процент, мавсумий нормани 60 процентдан ошириб бажарган тақдирда Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозоғистоннинг кўриқ районларида, Урал ва Поволжьеда 100 процент, бошқа районларда эса 60 процент миқдорида ишбай асосида ҳақ тўлансин.

Бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ўриб-йиғиб олиш ва озуқа тайёрлашда мазкур районларда иш ҳақи қуйидаги миқдорда оширилади: ўрим-йиғим мавсумий нормасини 25 процентдан 40 процентгача бажарган тақдирда Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозоғистоннинг кўриқ районлари, Урал ва Поволжьеда 15 процент, бошқа районларда эса 10 процент, мавсумий нормани 40 процентдан 60 процентгача бажарган тақдирда, Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозоғистоннинг кўриқ районлари, Урал ва Поволжье совхозларида 30 процент, бошқа районларда эса 20 процент, мавсумий нормани 60 процентдан ошириб бажарган тақдирда Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозоғистоннинг кўриқ районлари, Урал ва Поволжье совхозларида 60 процент, бошқа районларда эса 30 процент.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг донини янчиш ва ўриб-йиғиб олиш мавсумий нормаларини белгилаш тартибини ишлаб чиқиш ва Қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари Марказий Комитети билан келишиб тасдиқлаш топширилди.

Дон, ҳанд лавлаги, силос, картошка ва пахта териш машиналарида икки смена ишлаган тақдирда машинист-тракторчиларни камида икки смена нормасини бажарган тақдирда ишбай асосида ҳақ тўлашнинг 20 процентигача бўлган миқдорида, Сибирь, Урал, Қуйи ва Ўрта Волга ҳамда Қозоғистон ССРнинг қўриқ районларида 40 процентгача бўлган миқдорида, Приморье ва Хабаровск ўлкаларида ҳамда Амур областида соя ўрим-йиғимида ишбай асосида ҳақ тўлашнинг 40 процентигача бўлган миқдорда мукофотлар жорий этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ҳосил ўрим-йиғимига келадиган ходимларни ташкилий равишда қабул қилиш, йўлда бетахар ташиш ва жойлаштириш, уларга маданий-маиший ва медицина хизматини, умумий овқатланишни ташкил этиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига қаттиқ риоя қилган ҳолда шу ходимлардан яхши фойдаланиш топширилди.

1977 йилда қишлоқ хўжалик ишларига ва ғалла қабул қилувчи корхоналарда ишлашга жалб этиладиган ишчилар ва хизматчиларнинг асосий иш жойида тўланадиган ўртача иш ҳақининг 50 процентини сақлаб қолинади, деб белгиланди. Шу муносабат билан уларга суткалик ва квартира ҳақи тўланмайди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига саноат ва уруғлик учун қанд лавлагини, шунингдек лавлаги уруғлигини йиғиб-териб олиш билан банд бўлган совхоз ходимларига қарорда белгиланган шартлар асосида оширилган тартибда ҳақ тўлашга рухсат берилди.

Эртанги шудгорда банд бўлган машинист-тракторчиларга ҳарид нархи бўйича дон сотиш тўғрисида ўтган йили жорий этилган қоида сақлаб қолинди.

РСФСР Министрлар Советига ва Қозоғистон ССР Министрлар Советига колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига РСФСР ва Қозоғистон ССРнинг кўриқ районларида ҳосил йиғим-терими ўтказиш учун келган ва шу районларда комбайнларда ишлаш мавсумий нормасини бажарган машинист-тракторчиларга ва машинист-тракторчиларнинг ёрдамчиларига давлат харид нархлари бўйича нақд пул бараварида 10 процентгача дон сотишга рухсат этиш ҳуқуқи берилди.

СССР Тайёрлов министрлигига РСФСР ва Қозоғистон ССРнинг кўриқ районларига ҳосил ўрим-йиғими учун келган машинист-тракторчилар, машинист-тракторчиларнинг ёрдамчилари ва автомобиль ҳайдовчиларидан 1977 йилда улар ишлаб топган донни станциялардаги ғалла қабул қилувчи корхоналарда 14 центнергача, бошқа районларга ўрим-йиғимга келганларнинг ҳар биридан ҳосил ўрим-йиғимида ишлаб топган донининг 4 центнергача миқдори тўғрисида хўжаликлардан олган справкаларни тақдим қилган тақдирдагина қабул қилиб олиш ва шу миқдордаги донни уларнинг истиқомат жойида бериш рухсат этилди.

1977 йилда ўрим-йиғим ишлари учун бошқа республикалар, ўлка ва областларнинг колхоз ва совхозларига борадиган машинист-тракторчиларга ва бошқа механизаторларга вақтинча ишлайдиган жойига бориб-келиш ҳаражатини тўлаш, шунингдек йўлда бўлган вақти ва совхоз ёки колхозга келгандан кейин дастлабки уч кун учун ўртача иш ҳақи тўлансин. Мазкур механизаторларга шу хўжаликларда амалдаги нормалар ва иш ҳақига қараб меҳнат ҳақи тўланади. Механизаторлар ўртача иш ҳақининг 75 процентини сақлаб қолинади. Шу муносабат билан командировка қилинадиган механизаторларга суткалик ва квартира ҳақи тўланмайди. Колхозлардан юбориладиган механизаторларга ихтисоси бўйича иш стажи учун асосий иш жойида белгиланган миқдорда иш ҳақига қўшимча тўланади.

Мамлакатнинг бошқа районларига хашак тайёрлаш учун юбориладиган совхоз ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари машинист-тракторчиларига ва автомобиль ҳайдовчиларга нисбатан ҳам шундай шартларни жорий этишга рухсат берилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1977 йилда колхозлар ва совхозларда ишнинг долзарб кунларида саноат, транспорт ва бошқа корхоналардан улар учун белгиланган план топшириқларининг бажарилишига ҳалал етказмаган ҳолда тракторларни ва автобензовозларни ҳайдовчилари билан бирга, шунингдек машинист-тракторчиларни ва бошқа механизаторлар ҳамда автомобиль ҳайдовчиларни жалб этишга рухсат берилди. Мазкур ходимларга 1976 йилда жорий этилган шартлар асосида ҳақ тўланади.

Донни қабул қилиш муддатларини қисқартириш мақсадида РСФСР Министрлар Советига ва Қозоғистон ССР Министрлар Советига 1977 йилда ғалла қабул қилишдан бошлаб то 1 декабргача қўриқ ер районларидаги ғалла қабул пунктларида дон ортиш ва тушириш билан банд бўлган юк ташувчи ишчиларга улар кундалик иш нормасини бажарган тақдирда 50 процент оширилган миқдорда ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига колхозлар, совхозларда ва бошқа давлат хўжаликларида эҳтиёжни тўла таъминлайдиган миқдорда ўзларининг юксак сифатли уруғликларини тўплаш, дон ва дуккакли дон экинларнинг эҳтиёт ва ўткинчи уруғлик фондларини жамғариш устидан, шунингдек давлат ресурслари учун навли уруғлик тайёрлаш планининг бажарилиши устидан қаттиқ контролликни таъминлаш топширилди. Дон ва дуккакли — дон экинлар ҳамда маккажўхорининг оддий гибридларининг камчил ва истиқболли навларининг етиштирилган бутун ҳосилидан фақат уруғлик мақсадида фойдаланилсин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, район партия комитетларига ва саноат корхоналарининг партия ташкилотларига саноат корхоналари томонидан ўрим-йиғим техникасини, элеваторлар ва ғалла омборларини ремонт қилишда, 1977 йилги қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ўриб-йиғиб олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда колхозлар, совхозлар, ғалла қабул пунктлари ва донни қайта ишловчи корхоналарга оталиқ ёрдами берилишини ташкил этиш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳамда тегишли республика касаба союзлари советлари билан келишиб, 1977 йилги дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўрим-йиғими ҳамда уларни ташиш даврида қишлоқ районлари ёки районлар группаси учун, шунингдек автоном республикалар, ўлка ва областлар учун пул мукофотлари билан бирга кўчма Қизил байроқлар таъсис этсинлар. Бу байроқлар ҳар 10 кунлик иш якунларига қараб автоколонналарга ва бошқа транспорт бўлинмаларига топширилади. Шунингдек 1977 йилги ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашда юксак кўрсаткичларга эришишни таъминлаган ходимларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг бошқа тадбирлари кўзда тутилсин.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорида ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашга ўз вақтида ҳозирлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан бошқа тадбирлар ҳам белгиланган.

* * *

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалик, тайёрлов органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар, саноат корхоналари ва транспорт ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг мактубида колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, қишлоққа моддий-техника воситалари етказиб берувчи саноат ходимлари, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари олдига қўйилган вазифаларни назарда тутиб ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшиладилар, ҳосил ўрим-йиғимини ва озуқа тайёрлаш ҳамда ҳосилни нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш, зарур миқдорда ем-хашак тайёрлаш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда давлатга дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларини бажариш ва ошириб бажариш, уни барча чораларни кўрадилар, деб ишонч билдирдилар.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

САН-ФРАНЦИСКО. Лос Анжелос маъмурлари қабул қилган қарорга биноан, шаҳар аҳолиси сув истеъмолини 10 процент қисқартириши керак. Йўл ва йўлкаларга сув сепиш, гулзорларни суғориш анча чекланади. Калифорния штатида қаттиқ қурғоқчилик бўлганлиги муносабати билан шундай чоралар кўрилди. Қурғоқчилик натижасида сув нотўғри тақсимланди деб ҳисобланмоқда.

АММОН. Исроилдаги Назарет шаҳрининг мэри, Исроил Коммунистик партиясининг аъзоси Тавфиқ Зайёд жонига суиқасд қилишга уриниш бўлди. Номаълум киши унинг уйини автоматдан ўққа тутди, аммо бахтли тасодифга кўра ҳеч ким қурбон бўлмади.

Кнессет (парламент) депутати Т. Зайёдга суиқасд қилишга уриниш Исроилнинг маҳфий хизматлари қўллаб-қувватлаётган ўнг партиялар қўли билан бўлган, деди.

КОНАКРИ. Гвинея республикасининг пойтахтида тропик иқлим шароитларида турли материалларни синаш, океанография ва геофизика илмий-тадқиқот институтига пойдевор қўйиш тантанали маросими бўлиб ўтди. Марказ қурилиши СССР билан Гвинея республикаси ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик масалаларига бағишланган битимга мувофиқ олиб борилади.

(ТАСС).


ҒАЛАЁНЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИСЛОМОБОД. Покистон армиясининг бўлинмалари Мултон шаҳрига киришдилар. Кеча бу ерда оппозициядаги Покистон миллий уюшмаси тарафдорлари билан полиция ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ҳар икки томон бир-бирларига қараб ўқ уздилар. Икки киши ҳалок бўлди ва ўн киши яраланди деб хабар беради АПП маҳаллий конференция агентлиги.

ИШСИЗЛИК ТОБОРА АВЖ ОЛМОҚДА

ДУБЛИН, 16 май. (ТАСС). Ирландия экономикасининг тараққиёт суръатлари жадаллашиб бораётганлигига қарамай, мамлакатда ишсизлар яқин йиллар ичида 16 процент кўпаяди. Иқтисодий ва социал тадқиқотлар институтининг маълумотларига қараганда, ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатдаги ишсизлар 200 минг кишига етай деб қолди. Буларнинг қарийб учдан бир қисми ўз умрида бирон марта ҳам ишламаган. Бунда гап мактабларни ҳали яқиндагина битириб чиққан ёшлар тўғрисида бораётир. Бу ёшлар ҳосил қилган билимларини бирор жойда тадбиқ этиш имкониятига эга эмаслар. Бу йил яна 60 минг йигит ва қиз мактабни битириб чиқади. Лекин уларнинг ишга жойлашиб олишга ҳеч қандай умидлари йўқ.

Институт томонидан ўтказилган тадқиқот майда фермерларнинг хонавайрон бўлиб, бола-чақалари билан шаҳарларга жўнаб кетаётганлиги натижасида ишсизлик проблемаси янада кескин тус олганлигини кўрсатди.



БЕЛГРАДДА Конгресслар саройи қурилиши тугалланмоқда. Бу ерда шу йил ёзида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгаш қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг вакиллари йиғилишади. Суратда: Конгресслар саройининг умумий кўриниши (макет).

ТАСС фотохроникаси.

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИГА ҚАРШИ

ВАШИНГТОН, 16 май. (ТАСС). Ҳаддан ташқари қуролланиш пойгаси инсониятга жуда катта кулфат бўлди. «Жаҳонда ҳарбий ва социал ҳаражатлар» тўғрисидаги докладдан чиқарилган асосий хулоса ана шундай. Бу докладни Америка жамоат ташкилоти қурол-яроғлар устидан назорат қилиш тарафдорлари уюшмаси тайёрлаган.

Ҳозирги вақтда, дейилади, докладда, жаҳонда қурол-яроғлар ишлаб чиқариш ва уларни тўплаш учун қилинаётган харажатлар жуда ҳам ошиб кетди. 1975 йилда ҳарбий мақсадлар учун 324 миллиард доллар сарф қилинган бўлса, 1976 йилда бундай харажатлар 350 миллиард доллардан ошиб кетди. Қуролланиш пойгасига, деб таъкидлаб ўтилади докладда, тобора янги мамлакатлар жалб этилмоқда.

Қўшма Штатлар қуролланиш пойгасида аввалгидек ҳозирда ҳам «пешқадамлик» қилмоқда. Пентагоннинг мамлакат тарихида энг рекордли бўлган бюджети ўтган йили 113 миллиард доллар миқдорида қабул қилинган эди. Ҳозирги вақтда Америка конгресси бу бюджетни янада ошириш масаласини қараб чиқмоқда. Қўшма Штатлар қурол-яроғ сотиш соҳасида ҳам жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Кейинги 10 йил ичида, дейилади докладда, чет элларга қурол-яроғ етказиб бериш ҳақида тузилган шартномаларда белгиланган маблағ миқдори 29 миллиард долларга етди.

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАС

БУЮК Ғалабамизнинг 32 йиллигини яқинда нишонладик. Ҳозирги тинч, осойишта кунларимизда ёшлар урушни фильмлар, китоблар, хотира адабиётлари орқали тасаввур қилишади. Ўша даврларни эслаб, оталаримиз хотирага берилишади, оналаримиз пинҳона кўз-ёшларини артишади, кўплар Ватан озодлиги йўлида жонларини қурбон қилган жангчиларимизнинг суратларига қараб ўксинишади. Чиндан ҳам ҳар бир совет оиласида уруш-нинг машъум излари бор. Совет Иттифоқи иккинчи жаҳон урушида энг кўп қурбон берди ва асосан урушнинг тақдирини ҳал қилди.

Лекин, эндиликда Буюк Ғалабамизни кўролмаётган бўржуа маддоҳлари тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатиб, урушда СССРнинг ролини камситишга, АҚШ ва Англиянинг ролини эса бенихоя ошириб кўрсатишга уринмоқдалар. Улар шоҳли тарихимизни соҳталаштириб, ўзларига мақбул бўлган уйдирмаларни тарихий ҳақиқат сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши йилларида АҚШ ва Англия умум жаҳон фронтининг иккинчи даражали жойларида, хусусан Шимолий Африкада уруш олиб борди. Мазкур фронтдаги жанглар қарийб 3 йил (1940—1943 йиллар) давом этди. Лекин, булар иккинчи жаҳон урушидаги стратегик аҳамиятга эга бўлмай, уруш тақдирини ҳал қилоладиган операциялар эмас эди. Кейинги беш йил ичида Америка Қўшма Штатлари, Англия, Германия Федератив Республикаси, Италия, НАТОнинг бошқа мамлакатларида Шимолий Африка фронти тарихига бағишланган 20 дан ортиқ китоб нашр этилди. Бу китоблар НАТО блокига кирган мамлакатларда 1941—1945 йиллар тарихи қай йўсинда ва қай маромда ўрганилиши ҳақида тасаввур беришга қолмай, бу мамлакатлардаги бўржуа тарихчиларининг тарихни қай даражада бузиб, ўз фойдаларига соҳталаштиришлари ҳақида ҳам яққол гувоҳлик беради.

Тарихдан маълумки, 1941 йил ноябрда немис-фашист қўшинлари Москва остоналарида совет қўшинларидан зарба ола бошлаган кезларда Англия қўмондонлиги Африкада зўр стратегик вазиятга эришиб, ҳужум учун 120 минг киши тўпланган эди. Немис-фашистлари ва итальян қўшинларига бош қўмондон бўлган фельдмаршал Роммель эса инглизлар ҳужумига 40 минг кишилик қўшин билан қарши турса ҳам инглизларни тоза довдиратди. Инглиз армияси катта талофотлар кўриб, Эль-Аламейнгача чекиниб, мудофаага ўтди. Шу йўсинда Шимолий Африкадаги уруш ҳаракатлари анча вақтгача тўхтаб қолди. Немис-фашист қўмондонлиги эришган ғалабаларини давом эттиришга ҳаракат қилаолмас эди, чунки унинг мадад кучлари Шарқий фронтга ташланган эди. Шунинг учун Роммель Суэц каналига ҳужум муддатини 1942 йил кузига мўлжаллаш ҳақида кўрсатма олди.

Шимолий Африкада 1942 йил ёз ва кузида ҳукмрон сукунат ҳукмрон эди.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Бу АҚШ ва Англиянинг Ғарбий Европада 1942 йилда иккинчи фронтини очишга берган ваъдаларининг пуч бир гап эканлигидан, бу давлатларнинг «чекка стратегия» планига ўтиб иш тутаётганликларидан гувоҳлик берарди. 1941 йил декабрида Вашингтон конференциясида эса аксинча иттифоқчилар қуролли кучларининг асосий мақсади биринчи навбатда фашистлар Германиясини, иккинчи навбатда Японияни тор-мор этишга қаратилиши лозимлиги ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Гитлернинг Шарқий фронтдаги муваффақиятсизликлари иттифоқчиларнинг мавқеини мустаҳкамлади ва ҳужум учун қулай имкониятлар яратди. Инглиз-америка қўшинлари 1942 йил 23 октябрда Эль-Аламейндан катта куч билан Роммель қўшинларига ҳужум бошлади. Роммель бошлиқ немис-фашист қўшинлари 80 минг солдат, офицердан ва 540 танкдан иборат бўлса, инглизлар ихтиёрида 230 минг солдат, офицер, 1440 танк, 1016 тўп бўлган. Ноябрь ойида Марокко ва Жазоирга десант туширган инглиз-америка армияларига қарши ҳам оз сонлик немис-итальян қўшинлари турган. Умуман олганда, 1942 йилда СССРга қарши Гитлернинг 80 процентдан ортиқ қўшини, АҚШ, Англиянинг Шимолий Африкадаги армияларига қарши эса Германиянинг 1,5 процент қуролли кучлари тўғри келган.

Албатта, АҚШ, Англиянинг Роммель қўшинлари устидан қозонган ғалабалари Гитлерга қарши курашда маълум роль ўйнади. Аммо ҳамма гап шундаки, бу роль иккинчи даражали бўлиб, у жаҳон уруши тақдирида салмоқли ўрин эгаллай олмас эди.

Ўз синфининг ғоявий мафкураси нотўғрасида ўйнаган бўржуа ҳарбий тарихчилари эндиликда тарихни бузиб, иттифоқчилар авиацияси Германия самолётларининг кўп қисмини ўзига жалб этган, деб яна бир даъво қиладилар. Ҳолбуки, Гитлернинг ҳарбий-ҳаво кучларидан озгина қисми ПВО кирувчи авиациясигина иттифоқчилар авиациясига қарши ташланиб, фашистларнинг асосий авиацияси эса Шарқий фронтда банд бўлган, биргина Сталинград жангидан кейингина немис ҳарбий-ҳаво кучларининг учувчи составида 45 процент учувчи етишмай қолган.

Австрия китоб дўконларида пайдо бўлган «Винер-Нойштадтдаги қадимги шаҳар» китобида эса Совет Армияси шаънига яна туҳмат тоши ёғдирилган. Унинг муаллифи — Австрия ҳарбий академияси ўқитувчиси полковник Теодор Россиваль фикрича Венани озод қилишда совет қўшинлари гўё ҳеч қандай қаршиликка учрамаган эмиш. Полковник яна катта «кашфиёт» қилиб, Совет Армиясини «ибтидоий қўшин» деб таърифлайди. Унингча, совет қўшинлари гўё ола-тасир немислар орқасидан тартибсиз келаверганмиш. Яна шуниси қизиқки, Австрия офицери фашист қўмондонлигини, ўз Ватанини вайрон қилган гитлерчиларни мақтайди, вермахт урушда ютқазган эмас, деб даъво қилади. Гитлерчилар Германиясининг маглубиятида эса Гитлер планларини амалга оширолмаган немис халқини айблайди. Россиваль 1945 йил 9 майни «Германия ва Австрия уфқига зулмат чўккан кун» деб афсус-надомат чекади. Фашизмга қарши курашган партизанларни эса у «бандитлар» деб атайди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас, жаноб «ўттибозлар! Армиямиз шон-шуҳрати ва Буюк Ғалабаси бундай даъволардан ҳамиша устун, чунки унда тарих ҳақиқатни мужассамдир.

Ҳ. СОДИҚОВ,
запасдаги офицер.

ҲИНДИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛМОҚДА

ДЕҲЛИ, 16 май. (ТАСС). Ҳиндистон қишлоқларида электр чироқлари ёна бошлади. Февраль ойида олинган маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда Ҳиндистон аҳолисининг 56,5 процента хонадонида электр чироқлари ёнмоқда. 1969 йилда қишлоқларни электрлаштириш давлат корпорацияси олдига шу муҳим ишда штатларга молиявий ёрдам бериш ва уларнинг бу йўлдаги ҳаракатини мувофиқлаштириш вазифаси қўйилгандан кейин ўтган давр ичида қишлоқларни электрлашда катта муваффақиятга эришилди. Бу корпорация 120 минг қишлоқни электрлаштирди.

Мамлакатнинг баъзи штатлари ва зоналари электрлаштириш нотекис ҳисобланмоқда. Панжоб ва Харяна штатлари шунингдек, Деҳли, Чандигарҳ ва Пондишери иттифоқ территориялари тўла равишда электрлаштирилган. Керала ва Тамилнад штатлари ҳам 1979 йилда батамом электрлаштирилиши кутилмоқда.

ҲАҚИҚИЙ ДЎСТ ВА ИТТИФОҚЧИ

АДДИС-АБЕБА. «Эфиопиэн геральд» газетаси бундай деб ёзади: Совет Иттифоқи Эфиопия халқининг ҳақиқий дўсти ва иттифоқчисидир. Бу эса бизнинг революциямизга янги куч бағишлайди. Эфиопия меҳнаткашлари ўзларининг синфий душманларига қарши курашда советлар мамлакатининг доимий ёрдами ва мададига суянадилар.

Америка империализми бошчилигида халқаро реакция ва реакцион араб режимларининг иштироки билан революциямизни бўғишга жон-жаҳди билан уринаётган ва Эфиопия учун оғир бўлган шу дамларда Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш айниқса муҳимдир.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ
ВАРАҚА № 5 (171)

КОМИТЕТ ВА ШТАТСИЗ АКТИВ

Тошкент райони меҳнаткашлари шаҳар аҳолисини мўл-кўл мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқдалар. Эрта баҳорданоқ эл дастурхонига тонна-тонналаб бодринг, помидор, редиска, қулупнай ва бошқа ноз-неъматлар армуғон этилди.

Эришилаётган зафарларда тиниб-тинчимас халқ назоратчиларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Район халқ контроли комитети штатсиз активлар билан катта ишлар олиб бораётир. Район халқ контроли комитети ҳузурида 7 та штатсиз бўлим ташкил қилинган бўлиб, улар соҳалар бўйича секторларга бўлинган. Масалан, қишлоқ хўжалик бўлими далачилик, чорвачилик ва механизация секторларига ажратилган. Шунингдек, саноат бўлимида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа секторлари бор.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, штатсиз активлар билан ишлашни яхшилаш, унинг форма ва методларидан самарали фойдаланиш халқ назорати ишининг таъсирчанлигини оширмоқда. Кадрлар билан ишлашда партия ташкилотлари яқиндан ёрдам бераяпти. Шу туфайли ҳам халқ назорати ишининг изчиллигига эришилмоқда.

Район халқ контроли комитети ҳузуридаги штатсиз бўлимлар ўз сафига 78 инспектор-мутахассисни бирлаштирган. Бу кишиларнинг кўпчилиги олий ва ўрта-махсус маълумотга эга бўлган, ўз ишининг усталаридир. Уларнинг орасида агрономни ҳам, инженерни ҳам, зоотехникни ҳам, иқтисодчини ҳам, олимларни ҳам кўриш мумкин.

Район халқ контроли комитетида штатсиз активларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг ўзига хос томонлари бор. Улар партия ва жамоат ташкилотларининг тавсияси билан юборилган кишилардир. Район халқ контроли комитетида уларни тасдиқлашдан олдин алоҳида суҳбат ўтказилади. Бундан ташқари қобилиятлари турли топшириқлар бериб аниқланилади. Штатсиз бўлим мудирлари эса катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, билимдон мутахассислардир.

Комитет штатсиз ходимларнинг малакаси ва ишчанлигини ошириш учун ҳар томонлама курашмоқда. Шу жумладан ўқишлар ташкил этиляпти. Ҳар ойда ўтказиладиган доимий машғулотларда назоратни ташкил этишнинг форма ва методлари ўрганилади, тажриба алмашишади, шунингдек СССР халқ контроли комитети ахборот бюллетенида эълон қилинган материалларнинг тематик обзорлари эшитиб борилади. Шунингдек, партия, совет, касаба союз ходимлари, корхона ва турли ташкилот мутахассислари лекциялар ўқийдилар, суҳбатлар ўтказадилар.

Бу йил Охунбобев номли колхоз ва бошқа илғор хўжаликлар халқ контроли группалари тажрибаси кенг пропаганда қилинди. Штатсиз активлар жойларда бўлганларида илғор тажрибаларни ўргатадилар.

Район халқ контроли комитети иш юритишда штатсиз активларга ҳар томонлама таянади. Улар турли темалар бўйича текширишлар ўтказадилар, комитетда кўриладиган масалаларни тайёрлайдилар, қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан назорат ўрнатадилар, шу билан бир қаторда халқ контроли группа ва постларининг фаолияти билан танишишади ва комитетга ахборот беришади. Масалан, саноат бўлимидаги бир группа инспекторлар корхоналардаги энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишни анализ қилишса, яна бир группа ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати билан шуғулланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги бўлимидаги штатсиз инспекторлар ердан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш масалалари билан шуғулланади. Умуман ишга конкрет ёндошиш мақсадида ҳар бир соҳа бўлиб олинган. Бу эса район хўжалигининг барча соҳаларини атрофлича анализ қилишга ёрдам беради.

Штатсиз активлар рейд ва текширишларда актив иштирок этишади. Текшириш натижалари партия органлари, жамоат ташкилотларида, умумий йиғилишларда муҳокама этилади. Лекин бу билан чегараланиб қолмайдилар. Камчиликларни тузатишга ёрдам беришади, қимматли маслаҳатларини аямайдилар.

Ташкилий сектор ходимлари халқ контроли группаларининг ишлари билан яқиндан танишадилар. Илғор тажрибалар ўрганилиб, пропаганда қилинади. Жойларда халқ назорати ишини яхшилашга ёрдам берадилар. Шунингдек вақти-вақти билан халқ контроли группалари раисларининг семинарлари ташкил этиб борилади.

Район халқ контроли комитети халқ назорати ишининг оммавийлигини ва ошкоралигини таъминлаяпти. Штатсиз инспекторлар коллективларини ўтказилган рейд ва текшириш натижалари билан таништириб боradилар. Бу борада айниқса деворий газета ва варақалардан унумли фойдаланилаяпти.

Умуман олганда штатсиз активлар билан ишлашни яхшилаб борилаётганлиги назорат ишининг оммавийлигини таъминламоқда. Давлат планларининг зиддаси билан бажарилишига ижобий таъсир этмоқда, хўжасизлик ва кўзбўямачиликка қарши курашишда муҳим аҳамият касб этяпти.

Район халқ контроли комитети штатсиз активлар билан ишлашда кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Иш самарасини ошириш учун кўраш яққол сезилиб турипти. Лекин, шуни ҳам таъкидлаш керакки, барча жойларда ҳам халқ назорати иши, даражасини юқори деб бўлмайди. Айрим штатсиз инспекторлар текширишларда кам иштирок этадилар, баъзи штатсиз бўлимлар эса масалаларни ўрганишда кенг мушоҳада юритишмайди. Иш ни ўз кучларига таяниб ташкил этмайди. Бу эса баъзи вақтларда топшириқнинг бажарилмай қолиб кетишига таъсир этаяпти.

Район халқ контроли комитети ана шу камчиликларни тез орада тугатиши, штатсиз активлар билан ишлаш даражасини янада ошириши лозим. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Қ. СОЛИХОВ,
область халқ контроли комитети ташкилий бўлимининг мудири.

СИФАТ КЎРИК-КОНКУРСИ

Республика Автомобиль йўллари қурилиши ва фойдаланиш министрлиги бинокорлари ва саноат корхоналари коллективлари ўртасида ҳар йили сифат бўйича кўрик-конкурс ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ўтган йили ана шундай йўл билан қатор маҳсулотларнинг сифатини анча яхшилашга эришилган эди. 17 хил буюм биринчи категория аттестациясидан ўтганди.

Куни кеча навбатдаги кўрик натижаларя якунланди. Ўтган йилнинг 1 апрелидан бошланган бу конкурс бир йил давом этди. Бунда йўл-кўрик қурилиш бошқармалари ва саноат корхоналари ишчи-хизматчиларидан 12,5 мингга яқин киши иштирок этди.

Жойларда тузилган кўрик комиссиялари ва назорат постлари бу муҳим кампаниянинг ҳар томонлама самарали ўтиши учун зарур бўлган барча тадбирларни кўрдилар. Натижада кўрик-конкурс якунлари жуда яхши бўлди. Шу вақт ичида қурилиш ишлари ва маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган 50 дан ортиқ таклиф тушди. Уларнинг кўпчилиги амалга оширилди. Натижада 153 минг сўмлик иқтисодий самара кўрилди. Кўрик-конкурсда «Узмосстрой» трести, «Уздорстройиндустрия» бирлашмаси, Кўйлиқ кўприк темир-бетон конструкциялари заводи коллективлари фаол қатнашдилар ва яхши натижаларга эришдилар.

Т. ИЎЛДОШЕВ,
«Узоргтехдорстрой» трести сифатни назорат қилиш бўлими бошлиғи.

М. ФЕЛЬДМАН,
шу бўлимнинг катта мутахассиси.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

КЎП ВА АРЗОН МАҲСУЛОТ УЧУН

Тошкент область халқ контроли комитети меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш бўйича давлат планларининг қандай бажарилаётганлигини текшириб чиқди. Умуман областда бу соҳадаги вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда.

Лекин айрим саноат корхоналари меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш масаласига ҳали ҳам эътиборсизлик билан қараётганликлари текширув давомида маълум бўлди. 31 та корхона биринчи кварталда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган давлат планини бажара олмади, 54 та корхона эса маҳсулот таннархини қимматлаштириб юборди.

Оҳангарон цемент комбинати меҳнат унумдорлиги планини бажармагани устига ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти учун сарф бўладиган ҳаражатларни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча ошириб юборди. Унумдорлик паст бўлганлиги учун ҳам биринчи кварталда 320 минг сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди.

Айниқса корхонада иш вақтининг бекорга исроф бўлаётганлиги кишини ачинтиради. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 процент кўп иш вақти беҳуда кетди. Фақат февраль ойининг ўзида қуйдириш цехида ускуналар 463 машина-соат бекор турди.

Олмалиқ тажриба экспериментал заводида ҳам иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Биринчи кварталда меҳнат унумдорлиги плани 92,9 процентда қолиб кетди. Тайёрланган маҳсулотлар таннархи 129 минг сўмликка қимматлашди. Янгийўл пахта тозалаш заводида эса маҳсулот таннархи ярим миллион сўмликка қимматлашиб кетди. Шундай аҳвол Олмалиқ химия заводи, маиший химия буюмлари заводида ҳам рўй бермоқда.

Область халқ контроли комитети хўжасиз раҳбарларни лоқайдликлари учун қаттиқ жазолади. Иш самарадорлигини ошириш, арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

Областимизда илғор хўжаликлар жамоат чорвачилигини ривожлантириш учун аввало унинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», «Октябрь», Янгийўл районидаги Ленин номли, Жданов номли колхозлар озуқабоп экинларни белгиланган майдонларга энг қулай агротехника муддатларида экиб бўлдилар.

Лекин шу районлардаги баъзи бир хўжаликларнинг озуқабоп экинлар экилаётган майдонлари ҳеч бир сабабсиз йил сайин қисқартираётганликлари кишини ажаблантиради. Озуқабоп экинлар майдони айниқса Пискент район хўжаликларида «тез суръатлар» билан қисқариб бормоқда. План бўйича район хўжаликлари 3287 гектар майдонга озуқабоп экинлари экишлари лозим эди. Лекин текширув пайтида бу майдонларнинг катта қисмига бошқа хил экинлар экилганлиги аниқланди. Тельман номли колхозда 115 гектар ерга беда уруғи сепилиши керак эди. Колхоз раҳбарлари бу соҳадаги топшириқ бажарилди деб рапорт бергандан сўнг ўтказилган текширувда манзара бошқача бўлиб чиқди. Колхозда алмашлаб экиш қоидалари ҳам қўпол равишда бузилмоқда.

Оржоникидзе районидаги баъзи бир хўжаликларда ҳам кўзбўямачилик ҳоллари рўй бермоқда. Устига устак эски бедазорлар қаровсиз ҳолга тушиб қолган. 7 гектарлик бедапоя вақтида суғорилмаганлиги натижасида тақир майдонга айланиб кетган.

Янгийўл районидаги Калинин номли колхозда бу йил озуқабоп экинлар экишга мутлақо эътибор қилинмади. Умуман район бўйича силос учун маккажўхори экиш топшириғи бажарилмади. Ниёзов номли колхозда 1 гектар ҳам силосбоп маккажўхори экилмади.

Чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш ишига панжа орасидан қараётган Пискент районидаги Тельман номли, «Гулистон» колхозлари, Оржоникидзе районидаги колхозлараро бўрдоқичилик базаси бош агрономлари Бўриев, Худоёров ва Рустамова виговор эълон қилинди. Пискент, Оржоникидзе, Янгийўл районлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари бош агрономларига йўл қўйилган камчиликларни кўрсатилди ва бу нуқсонларни тезда бартараф қилиш вазифаси топширилди.

Область халқ контроли комитети, шунингдек, Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозида чорва маҳсулотлари тайёрлаш планининг қандай бажарилаётганлигини ҳам кўриб чиқди. Колхозда кейинги йилларда гўшт, сут, тухум сотиш планлари муттасил бажарилмай келаяпти. Бу йил ҳам ўзгариш сезилмаяпти. Биринчи кварталда колхоз пландаги 98 минг дона ўрнига 45 минг дона тухум етказиб берди. Чорвачилик фермаларида ишнинг ёмон ташкил қилинганлиги, озуқа базасининг бўшлиги натижасида ўтган йили колхоз чорвачиликдан 68 минг сўмлик зарар кўрди. Область халқ контроли комитети давлат планларининг бажарилишини таъминлай олмаётган колхоз бош зоотехниги Хаитматовга виговор эълон қилди.

МОЛИЯ ИНТИЗОМИ БУЗИЛМАСИН

Олмалиқ мактаблари, болалар боғчалари, шифохоналарида қўшимча штатлар сақлаш, турли хил йўллар билан маош фондини совуриш одат тусига кириб қолган. Бунинг натижасида 1975—1976 ўқув йилида кундузги ва сиртқи мактабларда асоссиз равишда қўшимча 8680 сўм сарф бўлди. Молиявий интизом бузилгани ҳолда айрим ўқитувчилар, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига хотамтойлик қилиб ортиқча 2248 сўм тўланди.

Шаҳардаги шифохоналар ва поликлиникаларда штатдан ташқари медицина ҳамширалари, қоровуллар қабул қилинган. Меҳнат отпускасига чиқиб кетган ходимлар асоссиз равишда ишга чақириб олинган. Кейин бунга 1099 сўм тўланган.

Маош тўланган ведомостлар пухта тузилмаган. Ведомостларнинг кўп жойларига ўзгаришлар киритилган.

Назоратчилар текширув давомида яна кўпгина камчиликларни очиб ташладилар. Маҳсулотларни тақсимлаш, идоралар учун ёзув қуролдари олиш ва улардан фойдаланиш каби соҳаларда ҳам кўпгина нуқсонлар бор эди. Область халқ контроли комитети давлат маблағларини хўжасизларча сарфлаганликлари учун Олмалиқ шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудири Юсупов ва бош бухгалтер Малишевага маълум миқдорда жарима солди.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ

Бу йил хўжалигимиз пахтакорлари 1100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга аҳд қилганлар. Деҳқонларимиз ўз сўзларининг устидан чиқиш учун бутун имкониятларини ишга солиб, шу кунларда парваришни кундан-кунга қизитиб боришаяпти. Назоратчилар тез-тез рейд ва текширишлар ўтказиб туришибди.

Баҳор анча қуруқ келди. Шуни ҳисобга олиб, шошилинч тадбирлар ишлаб чиқдик. Чигит экиш олдидан қўшимча постлар тузилди. Чигит суви берилди, уни текис ундириб олингач парваришни кучайтиришга қаратилган ойлик план ишлаб чиқилди. Бу соҳада рейд ва текширишлар ўтказилди.

Алихон Тўраев бошлиқ 1-бригада сувчилари ўз ишларига масъулият билан қарашди. Соли Султонов, Йўлдош Маматов каби кекса сувчилар ёшларга ўз тажрибаларини ўргатдилар. Натижада ғўзага сув бериш сифатли ўтказилди.

Халқ назоратчилари бош группаси аъзолари бу бригада тажрибасини кенг ёйишга қарор қилишди. Кўпгина сувчилар шу бригадада бўлиб, илғорлар ишини ўргандилар. Шуни ҳам таъкидлаб айтиш керакки, айрим бригадаларда суғориш ишлари талаб даражасида бўлмади. Бунга 3-бригадани мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу бригадада ғўзалар сифатли суғорилмаган, айрим жойлар кўлланиб юборилган. Бригаданинг умумий йиғилишида рейд натижаси муҳокама қилинди. Айбдорларга нисбатан чоралар кўрилди. Кейин сувчилар 1-бригадага бориб илғор тажриба билан танишиб келдилар.

Бир группа халқ назоратчилари қурғоқчиликни ҳисобга олиб, қўшимча постлар тузишни таклиф этишди. Энди, бир киши ўша бригадада суғоришнинг боришига жавоб берса, иккинчи одам культивация сифатини текширади. Яна бир аъзо минерал ўғитлардан тўғри фойдаланишни назорат қилади. Бу тартибда иш тутиш ҳар бир пост аъзосининг масъулиятини оширмоқда. Иш сифати яхшиланяпти.

Халқ назоратчиларимиз пахтачилик билан бирга чорвачилик, механизациялаш ишларини ҳам назарда тутиб бораяптилар. Яқинда озуқа тайёрлаш бригадасининг иши ўрганиб чиқилди. Айрим ерларда беда сифатсиз ўрилаётганлиги маълум бўлди. Агрегат яхши созланмаганлиги учун беда тоза ўрилмаган. Текширишда бригада бошлиғи ва механик айбдор деб топилди ва уларга начет қилинди.

Яқинда техникадан фойдаланиш даражасини кўриб чиқдик. Тракторчи Холбоев ва Эргашевлар техника қаровига етарли эътибор беринмаган. Яъни ўз вақтида мой қуйишмаган, қисмлар ўзгартирилмаган. Натижада трактор бузилиб қолган. Халқ назоратчилари текшириш натижасини правлениега маълум қилдилар. Тракторчиларга 556 сўм начет қилинди.

Хўжалигимиз аҳли Октябрнинг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олишга аҳд қилган. Назоратчилар юқори ҳосил учун курашда жонбозлик кўрсатишаяпти. Бундан кейинги парвариш ишларида ҳам масъулиятни ҳис қилиб, рейд ва текширишларнинг доимийлиги ва изчиллиги учун курашаверадилар.

А. ҚОСИМОВ,
Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз халқ контроли группасининг раиси.



КАЛИНИН районидаги «Хасково» совхози коллективи чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида кўпгина тадбирларни амалга ошираяпти. Мавжуд 129 гектар бедазорнинг 100 гектаридан ортиғи ўриб олиниб, сенаж учун босилди. Бундан ташқари кўплаб дағал хашак ўриб олинди. Ана шу ишларни сифатли бажаришда халқ контроли группаси аъзолари актив иштирок этишаяпти. Тез-тез рейд ва текширишлар ўтказилмоқда. Суратларда: совхоз бош инженери Н. Ким халқ назоратчилари Э. Ҳоснлов, Н. Баракбоев, И. Усмонов, А. Деҳқонов, Н. Абдуллаев ва Т. Уркуновлар билан ўрилган беда сифатини кўздан кечиришаяпти. Пастда беда ўрими вақти акс эттирилган.

Х. Мирзакаримов фотолари.

КУНДУЗИ ЁНГАН ЧИРОҚЛАР

Ишчилар тушки овқатланишга чиқиб кетишди. Бирор соатсиз қайтиб келишмайди. Овқатдан кейин дарахт соясидаги ўриндиқларда ўтириб чақчақлашишади, шахмат-шашка суришади. Цехда эса ҳамон станоклар гувуллаб турибди. Устига-устак чироқлар ҳам ёнуғ.

Солдатск луб заводида ишчиларнинг эътиборсизлиги билан бир йилда 71 минг киловатт соатдан ортиқ электр энергияси бехуда исроф бўлди. Механика цехининг «Боқи бегам» усталари ўйлаб топган янгиликнинг ўзи 7 минг киловатт соат электр энергиянинг бошига етди. Улар «қўл бола» печка ўйлаб топишди. Печка ҳар куни канчадан-канча қувватни сувдек ичиб юборди.

Назоратчилар текширувидан кейингина бундай хўжасизлик барҳам топди. Нурни ортиқча исроф қилган заводга 6 минг сўм жарима солинди. Энди раҳбарларнинг кўзи мошдек очилган бўлса керак. Бу жазо Кетмонтепа, Тошовул, Қўрғонча, Гул луб заводлари учун ҳам сабоқ бўлса ажаб эмас. Чунки бу корхоналарда ҳам кўплаб энергия бехуда исроф бўлаяпти.

Д. НАСРИДДИНОВ,
халқ назоратчиси.

АВТОМОБИЛ УСТАХОНАЛАРИДАГИ ХАНГОМАЛАР

Машинанинг садағаси кетсанг арзийди. Ҳар бир ойлага керак парса-да. Шанба ва якшанба шаҳар ташқарисига ёки тоққа чиққинг келдими, бола-чақани оласизу, елдек учиб кетасиз. Айниқса, бирор зарур иш чиқиб қолганда асқотишини айтмайсизми. Янги машина олаётган пайтдаги ширин ҳис-ҳаяжонлар, сеҳрли қувончларни таърифлаш қийин.

Лекин шундай вақт ҳам бўладики, машина олганингизга минг пушаймонлар бўлиб кетасиз. Бу маш-маша машина-ремонт талаб бўлганда; техника хизмати станциясининг остонасидан хатлаб ўтганингизда юз беради.

— Келинг муллака, — дейишади станциядагилар.

Мақсадингизни айтасиз.

— Жуда иш кўп-да, — дейишади ўзларини ишнинг тагида қолиб кетган одамлардек кўрсатиб, — майли фалон куни келингчи, уриниб кўрамиз.

Айтилган куни келасиз.

— Ложи бўлмай қолди, ака, бироз пойлайсиз энди. Эҳтиёт қисмларимиз йўқ. Энг қийини шу, бўлмаса бирпасда боплаб ташлардик.

Шундан кейин одамларнинг маслаҳати билан «алоқачи» қидирасиз. Э, бу савдолар қайси шофёрнинг бошига тушмаган дейсиз. Табиб-табиб эмас, бошидан ўтган табиб. Техника хизмати станциясида сарсон бўлиб, хасратидан чанг чиққан одамлар ҳозир ҳо эмас.

Бундай тартибсизликлар областимиздаги техника хизмати станцияларида тез-тез юз бераётир. Мавжуд 12 та станциянинг ҳаммасида хизмат ҳақи ошириб кўрсатилади. Бир хилдаги техника хизмати учун ҳар хил нархда ҳақ олинишига ҳайрон-миз. Масалан, «Жигули» машинасига биринчи техника хизмати учун 1, 7, 10-техника хизмати станцияларида 10 сўм 30 тийиндан, худди шундай иш учун 2-техника хизмати станциясида 15 сўм 30 тийиндан ҳақ олинишини қандай тушуниш лозим. Ёки бўлмаса юқоридаги станцияларда 4-техника хизмати учун 21 сўм 70 тийин олинса, 2-станцияда 24 сўмдан, 4-станцияда 25сўм 90 тийиндан ҳақ олинишининг боиси нимада экан. 1, 7, 10-станцияда 9-техника хизмати учун 13 сўм 80 тийинга квитанция ёзилса, 2-станцияда 16 сўм 10 тийин, 4-станцияда 21 сўм 40 тийиндан ҳақ олинмоқда.

Кўрсатмага мувофиқ «Жигули» машинасининг комплекс ремонти учун хизмат нархи пасайтирилиши лозим. Лекин бирор жойда бу қоидага риоя қилинмайди.

Устига устак ремонт қилинган 20 та «Жигули» автомашинаси текширилганда талонда кўрсатилган ишларнинг ҳаммаси бажарилмаганн ҳолда бажарилди, деб ҳақ олинган.

Ҳар бир киши машинасини сифатли ремонт қилдириш учун умид билан бу ерга келади. Техника хизмати станциясидагилар эса кишилардан мўмайроқ пул олиш мақсадида сунъий равишда қийинчиликлар тугдиришади, баҳоналар излашади, ваъдани таранглаштириб, ортиқча ҳақ сўрашади, виждонларини пул билан ўлчашади. «Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари бу қўнгилсиз воқеалардан бехабармиканлар?!

«Оҳангарон» станциясида 1974 йилнинг январь ойида «ГАЗ-21» маркали «Волга» автомашинаси ремонтга қабул қилиниб, ўша йилнинг 29 апрелида ремонтдан чиқарилади деб муддат қўйилди. Машина эгасидан буюртма-наряд бўйича 1126 сўм олинди. Машина ремонт қилинди, деб ишчиларга 799 сўм «иш ҳақи» ҳам берилди. Аммо машинага қўл ҳам теккизилмаган. Унисн ҳам майлику-я, станцияга шу машина ўзи юриб кирган эди, ҳозир эса от билан тортсангиз ҳам жойидан жилмайди. Чунки қисмлари талон-тарож қилинган.

Бошқа станцияларда «Запорожец-965», «ВАЗ-2103», «ГАЗ-21» «Волга» машиналари уч-тўрт йилдан бери чанг босиб ётибди. Пушаймон бўлган эгалари олиб кетай деса қисмлари талаб кетилган. Бу машиналар неча йиллардан бери станцияда «навбатчилик» қилаётганини раҳбарлар билмайди, деб ўйлайсизми?!

«Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасига ўша машина эгаларидан шикоятлар тушди. Раҳбар ўртоқлар элнинг ҳақли талабига қулоқ осмадилар, ариза ва шикоятларни алоҳида папкага «эътибор» билан тикиб қўйдилар, холос.

Ҳалол меҳнат эвазига олинган машиналар станцияларда чанг босиб ётипти! Меҳнаткашлар техника хизмати станциясига қатнаб, оворағ-сарсон бўлмоқдалар. Ҳўш, станцияга жойлашиб олган, мўмай даромадга мукасидан кетган «мутахассислар» қачонгача номаъқулгарчиликларни давом эттиришади.

Тегишли раҳбар ташкилотлар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш устида гамхўрлик қилмаяпти. Техника хизмати станциялари раҳбарларининг йўқилиги махсус маълумотга эга эмас. Уларнинг орасида геолог, ўқитувчи дипломига эга бўлган кишилар ҳам бор.

Халқ назоратчилари областимиздаги 12 та техника хизмати станцияларидаги қўпол хатоларни, камчиликларни аниқладилар. Бу ҳақда область автотехника хизмати бошқармаси ва «Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларига маълум қилдилар. Энди тартибсизликнинг таноби тортилса ажаб эмас.

Б. ПЎЛАТОВ.

МЎЛ ҲОСИЛ ИШТИЁҚИДА

Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз теплица хўжалиги коллективи юбилей йилида ҳар бир квадрат метр жойдан олинадиган ҳосилдорликни ошириш учун курашмоқда. Бунинг учун кузданоқ пухта тайёргарлик кўрилди. Ерга агротехника қоидаларига асосланиб ишлов берилди. Фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Айниқса, кўчатларнинг соғлом ўсишига катта аҳамият берилди.

Самарали меҳнат мана энди ўзини ҳосил чўғида кўрсатмоқда. Теплица коллективи ҳар куни кўплаб ноз-неъматни эл дастурхонига тортиқ қилмоқда. Ҳозироқ 30 тоннадан ортиқ бодринг ва помидор савдо тармоқларига жўнатилди.

Теплица хўжалиги ҳузурида тузилган халқ назорати пости аъзолари актив иш олиб боришаяпти. Улар мўл ҳосил учун курашда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Тез-тез текширишлар ўтказиб турипшибди, натижалари коллективнинг умумий йиғилишларида муҳокама этиляпти. Текширишларнинг изчиллиги туфайли камчиликларга тезда барҳам берилаяпти.

Ўзаро социалистик мусобақада тажрибали сабзавотчилардан П. Эргашева, Р. Иброҳимова ва У. Бахтиёровалар олдинда боришаяпти. Улар юбилей йилида ҳар бир квадрат метрдан 15 килограммдан ноз-неъмат етказишга сўз беришган. Ҳозир кўпгина ёшлар ана шу устозларнинг йўлидан бориб, яхши натижаларга эришишаяпти.

Колхоз теплицаси аҳли йил бошида 225 тоннадан ортиқ ҳосил етиштиришга сўз беришган эди. Сабзавотчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бундан ҳам юксак маррани кўзлашмоқда.

А. АЛИМОВ,
халқ назоратчиси.



ТАБИАТ—ҚЎЙНИДА.

В. Таран фотолари.

АВАЗ ЎТАР ДЕВОНИ

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Биз ўзбек демократик адабиётининг „Муқимий, Фурқат, Завқий каби йирик намояндалари қаторида Аваз Утарнинг номини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Ҳозирги замонасида, ўрта аср истибдоди ва зулмати қўйнида яшаб эзилган эл иқболини куйлаган ва «қабиҳ онлар»ни лаънатлаган шоир Аваз мисралари замон оша кучли мазмун билан жаранглайди:

Қабиҳ онларда эркин куйладим, дўстлар биродарлар,
Эзилган элга бўлгай бу замон иқбол ёруғ боргоҳ.

Шуни айтиш керакки, Авазнинг адабий меросини ўрганиш юзасидан кейинги йилларда жиддий тадқиқот ишлари олиб борилди, асарлари бир неча бор нашр этилди. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган «Аваз Утар ўғли» девони эса Аваз асарларининг аввалги нашрларига нисбатан бир қатор фазилатларга эга бўлиб, шоир ижоди билан кенг китобхонлар оммасини таништиришда жиддий қадамдир. Аввало Аваз асарларининг матншунослик нуқтаи назаридан пухталиги деярли таъминланган. Иккинчидан, шоирнинг бизга маълум девонларидан саралаб олинган асарлари билан бир қаторда матбуотда ҳали эълон этилмаган шеърлари ҳам тўпламга киритилганлиги таҳсинга лойиқдир. Айниқса, Аваз муҳаммаслари бу ўринда диққатни жалб этади. Шоирнинг Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳий, Комил, Ғозий, Рожий ва яна бир қатор шоирлар ғазалларига ёзган муҳаммаслари ҳам берилганки, улар шоир ижодининг шаклланишидаги манбаларни белгилашда ёрдам беради.

Шунингдек, ноширлар (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши автори, филология фанлари кандидати В. Раҳмонов) Аваз ва шоир Табибий муносабатига оид маълумотлардан келиб чиқиб, икки шоирнинг ўзаро яқин мунобатини кўрсатади ва Аваз Утар дунёқарашининг шаклланишида устоз Табибийнинг ҳам хизматини таъкидлайди. Шу билан бирга, Аваз ижодининг дастлабки даврларида йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар, уларнинг сабаблари ҳам сўзбошида аниқ ва объектив кўрсатиб ўтилгандир.

Аваз ўзбек классик адабиётида мавжуд бўлган қитъа жанрига новатор шоир сифатида ёндошади ва ўзининг ижтимоий-танқидий қарашларини ифодалайди:

Сипоҳи пора истар,
Мулла нжора истар,
Бечора чора истар,
Бир чора замон борму?

Сўзбошида Авазнинг реалистик қитъалар яратишдаги маҳорати алоҳида ва ўринли таъкидланади.

Ютуқлар билан бир қаторда шоир ижодини баҳолашда ноширлар йўл қўйган камчиликни айтиб ўтиш лозим. Гап шундаки, В. Раҳмонов девонга ёзган сўзбошисида Авазни «йирик революцион — демократ» деб атайди. Бу хусусда, яъни 1905—1917 йиллар ўзбек адабиётининг намояндалари ижоди ва фаолиятига баҳо беришда айрим чалкашликларга йўл қўйилмоқда. ЎзССР ФАнинг ҳақиқий аъзоси В. Зоҳидов таъкидлаганидек, «масалани бу тарзда қўйиш ва ҳал этиш тарихийлик принципига ва ҳақиқатга зиддир». Биз шуни эътиборга олиб, объектив социал шароитдан келиб чиққан ҳолда, Авазни «демократ шоир» десак, унинг давр адабиётидаги ўрни ва ижодини ҳаққоний баҳолаган бўламиз.

Девонда матншуносник нуқтаи назаридан айрим камчиликлар, баъзан вазнда сақталиклар учраб туради.

Китобга берилган луғатга Аваз асарларидаги тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг ҳаммаси ҳам кирмаган. Нима учундир Аваз асарларининг аввалги нашрларига кирган бир қатор характерли шеърлар бу нашрда туширib қолдирилган.

Булардан қатъи назар мазкур нашр XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек демократик адабиётини чуқурроқ ўрганиш, китобхон кўз ўнгида Аваз Утар ўғлининг ижодий сиймосини тўлароқ ва равшанроқ гавдалантириш ишига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Дилбар РАҲМАТОВА,
Фароғат МУСАМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари.

Спорт

ҲУЖУМКОР ҲИМОЯЧИЛАР

Мамлакат футбол чемпионатининг навбатдаги турида пешқадамлардан ҳисобланган «Пахтакор» билан «Спартак» Москвада учрашишди. Бу ўйин шу турнинг асосий учрашувларидан бири бўлди десак бўлади. Ҳар иккала команда жадвалдаги мавқеини янада яхшилашга ҳаракат қилиб, ҳужумга бир берди. Айниқса майдон эгалари актив ҳаракат қилишди. Лекин бу учрашувда ҳужумчилар эмас, балки ҳимоячилар ўрнак кўрсатишди. Аввалига 75-минутда Хидиятулин «Пахтакор» дарвозасига тўп киритди, орадан олти минут ўтгач Могильний «Спартак» дарвозабонини доғда қолдирди. 1:1 ҳисобида ўйинни дуранг қилган командалар ўз активларига биттадан очко ёзиб қўйишди. Шу турда «Торпедо» футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Минск динамочилари тўплар нисбатига кўра биринчи ўринга чиқиб олдилар. Шундай қилиб, саккиз турдан сўнг Минск динамочилари ва «Пахтакор»да 12 тадан, пойтахт спартакчиларида 11 та очко бор.

«Помир» ва «Колхозчи» командалари бу турда сафарда ўйнаб ғалабага эришдилар. Душанбе футболчилари «Шинник»ни, Ашхобод спортчилари эса Ленинградда «Динамо»нин бир хил 1:0 ҳисобида енгишди. Шу турнинг қолган ўйинлари қуйидагича тугади: «Таврия» — «Нистру» — 0:0, АСК — «Спартак» (Ивано-Франковск) — 2:2, «Терек» — «Кривбасс» — 3:0, «Кузбасс» — «Звезда» — 1:1, «Уралмаш» — «Рубин» — 3:1.

«УРАЛОЧКА»МИ ЕКИ «АВТОМОБИЛИСТ»?

Мамлакат волейбол чемпионатида олтин ва кумуш медал эгалари аниқланди деса бўлади. Москванинг «Динамо» командаси иккинчи ўринда бораётган Марказий армия спорт клуби волейболчиларидан беш очко ўзиб кетишди ва навбатдаги битта ўйинда ғалаба қозонсалар олтин медал эгаси бўладилар. ЦСКА волейболчилари ҳам «кумуш»ни нақдлаб қўйишди. Аммо бронза медалларни кимга тегаркин? Бу савол чемпионатнинг якунловчи ўйинларигача жумбоқ бўлиб қолса керак. Негаки учинчи мукофотли ўринга Свердловскнинг «Уралочка» ва Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчилари даъвогар бўлиб туришибди. Свердловск волейболчилари биринчи ва иккинчи турда пешқадамлар «Динамо» ва ЦСКА волейболчиларига ютқазишган бўлса, тошкентликлар Киевнинг физкультура институти командасини мағлубиятга учратиб, Ворошиловграднинг «Искра» командасидан енгилишди. Даъвогарларнинг ўзаро баҳсида эса Свердловск вакиллари ғолиб келишди. Шундай қилиб бугунгача «Уралочка» ҳисобида 21 очко, «Автомобилист»да 20 очко бор.

ФИНАЛ ОЛТИЛИКНИ КЎЗЛАБ

Жданов шаҳрида сув полоси бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган «Меҳнат» Волгограднинг «Спартак» командасига 4:6 ҳисобида ютқазди. Кучли олтиликка киришга аҳд қилган спортчиларимиз ҳозир турнир жадвалида бешинчи ўринни эгаллаб турибди.



БЕШ КУНДА — БИР УЙ

Белград (Югославия) шаҳридаги «Комграп» қурилиш комбинати архитектор П. Ристичнинг оригинал лойиҳаси бўйича стандарт уйлар ишлаб чиқаришга киришди. Эндиликда корхона / буюртмачининг илтимосига кўра уйнинг бетондан ишланган қисмларини белгиланган жойга олиб боради ва беш кун ичида уй тайёр бўлади.

Меъмор уй хоналарини планлаштиришда орбитал космик станцияларини лойиҳалаш принципларидан фойдаланган. Шунинг учун ҳам унча катта бўлмаган майдонда олти кишилик оиланинг бемалол яшаши учун ҳамма нарса муҳайё қилинган.

ЭЛЕКТРОН НАЗОРАТЧИ

Англияда ҳайдовчига машинасини нотўғри ҳайдаб кетаётганини «айтиб турадиган» товуш сигналли мослама яратилди. Бу мослама унга автомобилни тўхтатган ёки тезлигини оширган, ё бўлмаса кескин бурилган пайтда қандай хато қилганлигини билдиради. Ана шу сигналларнинг ҳаммаси махсус счетчикда қайд қилинади. Куннинг охирида ҳайдовчи шунга қараб бир кунда қанча хатога йўл қўйганлигини билиб олади.

Бу электрон назоратчи батарея ёки машинанинг электр асбоблари системасидан ток олиб ишлайди, уни салоннинг исталган жойига ўрнатиб қўйиш мумкин.

АЖОИБ ТЕЛЕФОН

София (БХР) даги ихтисосдашган телефон аппаратлари заводи «хотира» мосламаси бўлган телефон аппаратларини кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

У абонент сўзлашмоқчи бўлган кишининг телефони банд бўлган тақдирда қайта телефон қилишдан халос қилади.

Янги телефон эгаси трубка орқали нариги телефоннинг бандлигини билгач, «хотира кнопкаси»ни босиб қўйса бас, керакли номер бўшагач, у яна қайта жиринглаб, сўзлашиш мумкинлигини хабар қилади.

ПОМИДОР МОИИ

Озиқ — овқат ва фармацевтика саноати узум, помидор уруғлари, олхўри данагидан ишланган алоҳида мой сортларига кўпинча муҳтож бўлади. Яқинда Кўкон шаҳрида ана шундай мой тайёрловчи мамлакатимизда биринчи корхона ишга туширилди.

Бу ерда ҳар йили 40 минг тоннага яқин помидор ва узум уруғлари, олхўри, шафтоли, ўрик данаклари қайта ишланади. Заводга данаклар консерва ва виночилик корхоналаридан юборib турилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТАЛАБНОМА

Р. АЛЕКСАНДРОВ

— Демак, манипулятор тайёр,— Вадим Петрович Голубцов чап қўлини семиз папкага қўйди, ўнг қўлини кўтарганча шу ерда ўтирганлар — ишлаб чиқариш устахоналари бошлиғи Хлюпин ва етакчи бўлим раҳбари Леманга гапира кетди. Вадим Петровичнинг заифона овози ишчан, ҳаяжонли, тантанавор янграрди.— Биздан уни тезлатишни талаб қилишяпти. Муддатлари қисқа, вазият шошилтиряпти. Биринчи навбатда талабнома масаласини ҳал қилишимиз керак.

Вадим Петрович Леманга жиддий қараб қўйди. У бутун борлиғи билан эътибор бериб тингларди.

— Ўлюпин атайлаб келди. Кўрди. Маслаҳат берди. Ахир у бу соҳада етакчи мутахассис-ку. Унинг фамилиясини соавторлар қаторига қўшмасак бизни тўғри тушунишармикин? Тушунишмас деб кўрқаман.

Леман бош қимирлатиб қўйди. Хлюпин эса ўтирган жойида қимирлаб қўйди.

— Давом этайлик. Карагазьянчи? Бизнинг ишимиз унга ҳам боғлиқ. У бизни қўллаб-қувватлайди?

— Сўзсиз,— маъқуллади Леман. Хлюпин эса яна қимирлаб қўйди.

— Клюев. Қандай салобатли исм. Баобрў бўлади. Уни ҳам қўшиш керак.

Дўнгпешона Леман шошиб бош қимирлатди. Бу фамилияларни тақдим этилаётган рўйхатда унинг номи ҳатто тилга ҳам олиб ўтилмаганлиги ажабланарли эди. Хлюпин яна қимирлаб қўйди.

— Сизга нима бўлди?— гапини бўлди Вадим Петрович.

— Бел оғриғи,— деярли инграб қўйди у.

— Илон заҳарини қўйиб кўрдингизми?— сўради Леман.

— Қўйиб кўрдим. Ёрдам бермаяпти.

— Шундай қилиб, талабнома масаласи ҳал бўлди шекилли,— Вадим Петрович уни янгидан тайёрлаш учун қайтиб берар экан сезилмас бужмайиб қўйди.— Тўғри, соавторларимиз кўпайиб кетди. Лекин, бизни тушунишади деб ўйлайман... Иккинчи масала.

Шу вақт Хлюпин яна зўрга қимирлаб қўйди.

— Вадим Петрович,— деди у азобланиб.— Сюткинни нима қиламиз?.. Ҳар ҳолда у ҳам аралашган...

— Сюткин ким ўзи? Нега у даҳлдор экан? Ишга бутун коллектив даҳлдор. Шуни тушунтириб беринг-чи менга, нима учун қоровуллар, лаборантларни ва яна кимлар... эканлигини билмайман-у, соавторлар деб

— Намунча шу Сюткинингизга ёпишиб қолдингиз? Шундай бўлса фаррошни ҳам рўйхатга қўшиб қўяқолайлик? Сюткинга обрў-эътибор керакми?

— Ҳа, йўқ, унга ҳеч нарса керакмас, лекин биз бўлсак...

— Шундай экан, сизни ҳеч тушуна олмаяпман,— Хлюпининг гапини бўлди Вадим Петрович ва деразага қаради. Кўчада қор эриётган эди.

— Вадим Петрович ҳақли,— секин гапира бошлади Леман. — Агар биз ўртоғимизни қўшсак, бизни тўғри ҳисоблашим керак?.. Бундай сафсатани қўйинг!

Бу қатъий далиллар, қўл силташлар институтда ақлий фикрлар Хлюпиндан эмас, ундан, яъни Голубцовдан чиқишини яхши тушуниб олиш учун қилинган ишоралар эди. Лекин Хлюпин буни тушунмасдан яна тихирлик қилиб, иккинчи масалага ўтишга ҳалақит берди.

— Дастлаб талабномада учта фамилия бор эди,— инқиллаб эслатди у,— улар Сюткин, сиз ва менинг фамилияларимиз эди.

— Шунга ҳам ота гўри қозихонами?— дағдаға қилди Вадим Петрович.— Сизнинг фамилиянгиз қолаяптику. Хурсандмисиз?

— Меники майли-я, Сюткинчи...

тушунишмайди... Унинг қўлбола модели бизникидан тамомила фарқ қилади, у шу моделини кўргазмада намойиш қилиб, диплом ҳам олди. Бу камми?

— Мана, кўрдингизми,— хурсанд бўлган Голубцов Хлюпинга қараб гапирди.— Нима учун шу Сюткинингизни бизга тиқиштираверасиз?

— Мен уни тиқиштираётганим йўқ, аслида...

— Гап бундай,— вазмин гапирди Голубцов.— Менинг Хлюпинга фақат битта саволим бор: Клюбинингизнинг маълумоти қанақа? Техникум! Очигини айтганда у бизнинг соҳадан эмас. Қайси лавозимда ишлаяпти? Инженер дерсиз? Биз давлат ҳисобига жуда хотамтоймиз?— Вадим Петрович боши эгди. Ҳозир у боланинг ноқобиллигидан гамга ботган отага ўхшарди.—Ўйлаб кўринг-а! Геннал Сюткин верстакда манипулятор ишладби, биз бўлсак тайёрга айёрмишмиз!.. Ҳақоратланарли... Бу ҳақорат эмасми...

— Мен бундай деганим йўқ,— беўхшов тираліб кўтарилди ўрнидан Хлюпин.— Мен демоқчийдимки...

— Нима, демоқчи эканлигингизни билмайману,— қўруқ гапирди Голубцов,— лекин шуниси менга равшанки, ҳозир институтда штат қисқартиряпти; сизнинг хатойингиз. Ползунов ҳақидаги масалани ҳал қилаолмаганликда бўлса, меники шу ҳақда сизни эслатиб қўймаганимда. Гуноҳкорман, товба қилибмиз.— Вадим Петрович артистча сигара қўлларини кўкрагида чалиштирди-да,, оқ сочлари пахмайиб кетган бошини эгди.— Штатни қисқартириш ҳақида буйруқ ярим соатда тайёр бўлсин. Бу масала ҳал бўлди...

Иккинчи масала. Манипуляторни кўрсатиш керак. Аслини олганда ҳали эртароқ, лекин у биз учун жуда зарур. Унга корхоналардаги лар қизиқишяпти, бугун соат тўртда телевидениедан келишади. Ажратилган маблагга яхши реклама қилса бўлади. Телевизионичиларни олдингизга юбораман, манипуляторни ишлаётганда кўришсин. Хлюпин, яна бир бор ҳаммасини текшириб кўринг. У худди соатдек ишлаши керак.

Хлюпин бош қимирлатиб, оқсоқланганича чиқиб кетди. Леман унинг орқасидан деди:

— У жуда аломат-да.

—Шундай!—Вадим Петрович маъноли қилиб, мушти билан столни тарақлатди.

Соат тўртда телевидениедан келишди. Вадим Петрович ударни қабул қилди, сўнгра устахоналарга, Хлюпин олдига юбормоқчи бўлиб ҳам турган эди ўзи қўнғироқ қилиб қолди.

— Иш ўнгидан келадиган бўлса шундай бўлади-да,— гўурланиб деди Голубцов ва Хлюпинни тинглай бошлади. У нималарнидир гапирарди, Вадим Петрович эса одатдагидек уни гапини бўлмасдан эшитарди. Шу ерда ўтирган Леман нимадир ишкал эканлигини ҳис қилди. Вадим Петрович Хлюпинни эшитиб бўлгач кескин:— Тушунарли, хоҳ тунда ишланг, лекин бажаринг, — деди.

— Ўртоқлар, буёғи узрли бўлиб қолди,— деди, у телевидениедан келган ўртоқларга, трубкани жойига қўяр экан. Леман ғайри табиий ҳараб қўйди.— Кўрсатишни кечиктирамиз. Эртага қўнғироқ қилинглар.

Телевидение ходимларини кузатиб қўйгач, чуқур этмай кўзойнагини олди-да, унинг ойнасини бамайлихотир артиб, ёруғликка қаратиб кўрди:

— Ишлар шунақа: Сюткин манипуляторни қисмларга бўлиб ташлабди.

Леман чуқур этмади. Голубцов қовоғини солиб:

— У ажратибди, Хлюпин ва унинг шериклари эса уни йиға олмайди? Энди нима қиламиз?

— Менимча,— деди Леман,— ихтиро учун талабномани кечиктирмай дарҳол рўйхатни юбориш керак. Бўлмаса бу Сюткин яна битта-яримта қилиқ чиқариб, бизни доғда қолдиради.

М. МИРҲАМИДОВ
таржимаси.

Реклама ва эълонлар

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ • ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ УзССР

«МИНТРАНССТРОЙ»НИНГ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

токарлар, асбоб-ускуналарни ремонт қилувчи слесарлар, электрослесарлар, юк ташувчилар, асбобларни чархловчилар

КЕРАК

Елғизлар ётоқхона билан таъминланади. Транспорт хизмати бепул.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 159- ТРЕСТИГА ҚАРАШЛИ 22-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

ғишт терувчилар, дурадгорлар, бетончилар, электр пайвандчилар, монтажчилар

КЕРАК

Елғизлар ётоқхона билан таъминланади.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИРЙЎЛИ ТОШКЕНТ БЎЛИМИНИНГ ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БЎЛИМИГА

катта бухгалтерлар, ОРС аппаратида хўжалик ҳисобидаги магазинлар ва мустақил балансдаги ошхоналарда ишлаш учун бухгалтер-ревизорлар; нон комбинатига бош бухгалтерлар, калькуляторлар, магазин мудирлари, сотувчилар, буфетчилар, ошпазлар, юк ташувчилар, ишчилар, фаррошлар, хамир қорувчилар, лаборантлар, нон ишлаб чиқариши мудирлари

КЕРАК

ТОШКЕНТ ШИША ТАРАЛАР ЗАВОДИГА

слесарлар, токарлар, электр-газ пайвандчилар, цех ишчилари, бухгалтер

КЕРАК

ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИГА

почтальонлар, сараловчилар, адресларга телеграммаларни етказиб берувчи почтальонлар, телеграфистлар, ёлланма ишчилар, дурадгорлар, слесарь-созловчи, электрик

КЕРАК

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — ишга жойлаштириш марказий пункт ва район пунктлари.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МОСКВА ЦИРКИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар соат 19.30 да; шанба кунлари соат 13, 15 ва 19.30 да; Якшанба кунлари 10, 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Гимнастика. 10.30 — **Абадий барқарорлик** (фильм-спектакль). 15.00 — Кинопрограмма. 15.55 — Жаҳон бўйлаб. **Австралия** 16.20 — М. Стельмах ижоди. 17.05 — Қишлоқ: **ишлар ва муаммолар.** 17.40 — **Фильм-концерт.** 18.00 — Ёшлар адреслари. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — **Ҳамма нарсани билишни истайман.** 19.20 — Хужжатли фильм. 19.50 — **Инсон ва қонун.** 20.20 — Халқ ижоди 21.05 — К. Симонов. **«Солдат мемуарлари».** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Сиқанинг фикрингизча 23.35 — Спорт программаси. 00.05 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.20 — Табиатшунослик. 10.40 — **Киноальманах.** 11.20— **Мультфильм.** 11.30 — Табиатшунослик. 11.50 — Хужжатли фильмлар. 12.30 — Адабиёт. 13.00 — **Инқироз** (бадиий фильм, 1-серия). 18.20 — Пионер дружиналарининг телевизион кўриги. 18.50 — **Зарбдор меҳнатимиз — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига.** 19.20 — Халқаро шарҳловчилар даврасида. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — **Шеърият кечаси.** 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — **Бувайда район «Табассум» ашула ва рақс ансамбли ижро этади.** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Пахта ва сув. 22.45 — **Инқироз** (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — **Москва таътиллари** (Телеспектакль 1-қисм). 20.05— Ўқитувчи экрани. 20.35 — **Янгиликлар.** 20.55 — Балетлардан саҳналар. 21.25 — Назарий механика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17IV да **Оққуш нўли,** 18IV да **Севги тумори,** 19IV да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17IV да **Уйланиш,** 18IV да **Қўрмайин босдим тиконни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 18IV да **Туркман қизи,** 19IV да **Йиллар ўтиб.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Биз бир-биримизни шундай севардикки...** (катта зал), **Зита ва Гита** (кичик зал, кундуз ва кечқурун),

Улуғ одам тарихи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 20.00, 21.30), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Зорроннинг улкан саргузашти «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16.00), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

«Йўлбарслар» тунда пайдо бўлади — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Юрак калитини излаб... — ҲАМЗА номли (жуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Биз бир-биримизни шундай севардикки... «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Эркаклар учун алла — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Эркаклар учун алла—«ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 14355 Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1624. XII